

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АКАЕВА НОДИРА МЕХЛИБАЕВНА

**ТАЛАБА ЁШЛАРДА ОИЛАВИЙ ТАРБИЯ УСТУВОРЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ ОМИЛЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
on Pedagogical Sciences**

Акаева Нодира Мехлибаевна

Талаба ёшларда оилавий тарбия устуворлигини таъминлаш
омиллари.....3

Акаева Надира Мехлибаевна

Факторы обеспечения приоритетности семейного воспитания у студенческой
молодежи.....26

Акаева Нодира Мехлибаевна

Factors of ensuring the priority of family education among
students.....50

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....54

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АҚАЕВА НОДИРА МЕХЛИБАЕВНА

**ТАЛАБА ЁШЛАРДА ОИЛАВИЙ ТАРБИЯ УСТУВОРЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ ОМИЛЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Филозофа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Назирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Ped1599
рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент давлат
педагогика университети веб-сайти (www.tdpu.uz) ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида
(www.ziyounet.uz) жойлантирилган.

Илмий раҳбар:

Хайдаров Мамат Эшқулович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ибрагимов Холбой
педагогика фанлари доктори, профессор

Холмўминов Жуманазар
юримдик фанлари доктори, профессор

Ўтавчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги
D№ 03/30.01.2021.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «3» август куни соат
11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани
Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86, e-mail:
tdpu_kengash@edu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс
марказида танишиш мумкин (1418 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011,
Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс:
(99871) 276-80-86

Диссертация автореферати 2021 йил «24» 07 да тарқатилди.

(2021 йил «24» июл даги 10 рақамли реестр баённомаси)

**Б.С.Абдуллаева**
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, пед.ф.д., проф.

Р.Г.Исянов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, пед.ф.д., доцент

Н.А.Муслимов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, пед.ф.д., проф

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон глобаллашув шароитида таълим жараёнида талаба ёшларда оилавий тарбия устуворлигини таъминловчи педагогик муҳитни шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда шахсни ижтимоийлаштириш технологиялари амалиётга татбиқ этилган. АҚШ, Канада ва Европа давлатларида давлат ва хусусий таълим муассасаларига альтернатив хоумскулер – оилавий таълимни амалга ошириш, авентив тарбия асосида ёшларда соғлом ва мустақкам оила қуришга ҳамда эгалитар кадриятлар асосида шахсга ҳурмат руҳида тарбиялаш бўйича йирик лойиҳаларни татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида талабаларни оилавий ҳаётга психологик тайёрлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг маданиятини шакллантириш, оилани деструктив таъсирлардан ҳимоялаш, оилавий кадриятларга талабаларни йўналтириш, оилавий педагогика ва уйда тарбиялаш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Талабаларни тарбиялашнинг назарий-методик жиҳатларини ҳамда оилавий тарбия тамойилларини такомиллаштириш, педагогик таъсирнинг эффеқтини ошириш, шахсни ижтимоийлаштириш, оилалар мустақкамлигини таъминлаш, уни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, жисмонан соғлом, маънавий етук ривожланган оиланинг ролини ошириш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, соғлом оилани шакллантиришда маҳалланинг мавқеини мустақкамлаш, оилавий тарбия, оилалар мустақкамлигини иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий ва ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, “Биз учун муқаддас бўлган оила асосларини янада мустақкамлаш, хонадонларда тинчлик-хотиржамлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш, маънавий-маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдиришдан иборат бўлмоғи”¹ устувор вазифа сифатида белгиланди. Натижада, оилаларда ажралишларни камайтириш, ёшларнинг турли диний-экстремистик оқимлар ва террористик ташкилотлар таъсирига тушишини олдини олишга имкониятлар кенгайтирилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сон ва 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустақкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – 1-т. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 75 б.

чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сон фармонлари, 2018 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-3808-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги 528-сон “Мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шунини алоҳида кўрсатиб ўтиш керакки, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф хос Ҳожиб, Кайковус, Девоний, Алишер Навоий, Бобур, Мунис Хоразмий, Бедил, Бехбудий, Абдулла Авлоний, Қори Ниёзий, Чўлпон, Фитратлар оиладаги ўзаро муносабатлар маданияти, Ахмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро тариқатларида, ал-Бухорий, ат-Термизийларнинг ҳадисларида ота ва оналар ўзаро муносабатларининг фарзандлар камолотига таъсири, фарзандларнинг ота-оналарига бўлган муносабати мавзусига алоҳида эътибор берилган.

Ҳуқуқий маданият тизимининг етуқлигини, ривожланганлигини, кишиларнинг ҳуқуқий талабларга, қонунга муносабатини, аҳоли кенг оммасининг ҳуқуқий саводхонлик даражаси Э.М.Абзалов, З.М.Исломов, О.А.Каримова, Х.А.Маматов, Х.Т.Одилқориев, А.Х.Саидов, У.Т.Таджиханов, Ш.З.Уразаев, Ш.У.Якубов, Э.Х.Халиловлар, оила ва оила муносабатларининг ёш авлод маданияти ривожланишига таъсирини Р.М.Абдуллаева, Ф.А.Акрамова, О.А.Бўриев, М.Г.Давлетшин, М.Каримова, А.Б.Минавваров, О.М.Мусурманова, А.Н.Низомов, Д.И.Рузиева, Н.А.Соғинов, М.Х.Тожиева, Ш.К.Тошпулатова, О.У.Хасанбоева, Б.Х.Ходжаев, М.М.Холматова, Ғ.Б.Шоумаров, Э.Ғ.Ғозиев, И.О.Ҳайдаровлар тадқиқ этганлар.

МДҲ мамлакатлари олимлари А.Андреев, В.Байденко, А.Белкин, Е.Бистрова, Е.Бондаревская, Э.Зеер, И.Зимняя, Л.Митина, А.Хуторскаяларнинг илмий ишларида ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий саводхонлик даражаси тушунчалари таърифига турлича ёндашувлар таҳлил этилган. Б.Бестужев-Лада, И.Исаев, М.Кузьмин, О.Лебедев, А.Московченко, В.Сластенинларнинг тадқиқотларида таълим жараёнидаги маданиятшунослик ёндашув асослари тадқиқ этилган.

О.Beisbart, Н.Bergenholz, Н.W.Huncke, W.Hutmacher M.Riegerларнинг тадқиқотларида олий таълим муассасаларидаги талабалар учун оилада ҳуқуқий тарбия бериш масалалари таҳлили баён этилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги: Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университетининг илмий-

тадқиқот ишлари режасининг КА-1-003 рақамли “Ёшларда ватанпарварлик дунёқарашини шакллантиришнинг илмий-педагогик технологиялари ягона тизимини ишлаб чиқиш” (2015-2017 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади талаба-ёшларда оилавий тарбия устуворлигини таъминлашнинг омилларини такомиллаштириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оила ҳуқуқи омилларини шакллантиришнинг фалсафий, педагогик-психологик жиҳатларини таҳлили асосида оилавий тарбиянинг устувор йўналишларини белгилаш;

талаба ёшларларда оилавий-тарбиявий устуворлиги даражасини белгиловчи мезонларни такомиллаштириш;

талабаларда оила ҳуқуқига оид васийлик ва ҳомийликни белгилаш, оилавий тарбия устуворлиги омилларини шакллантириш;

талабаларда оилавий тарбия устуворлигини оила ва жамият ривожланишининг замонавий анъаналар воситасида шакллантиришга доир тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида талабаларда оилавий-тарбиявий устуворлиги даражасини ривожлантиришга йўналтирилган олий педагогик таълим жараёни белгиланиб, Тошкент давлат педагогика университети, Жиззах давлат педагогика институти, Гулистон давлат университетининг 237 нафар талабаси жалб қилинган.

Тадқиқотнинг предметини талаба ёшларда оилавий тарбия устуворлигини таъминлаш омилларини такомиллаштириш шакли, методлари ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишда анализ, синтез, анкета, савол-жавоб, умумлаштириш, таҳлил, лойиҳалаштириш, педагогик тажриба-синов ва математик статистика усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

талабаларда оилавий тарбия устуворлигининг педагогик-психологик хусусиятлари (мотивацион, интеллектуал, ҳиссий) ватанпарварлик, шахсий намуна, одоб-ахлоқ, илм-олиш, касб-хунарга оид умуминсоний ва миллий-маданий қадриятлар уйғунлигини ментал-этнопедагогик хусусиятларга (устувор йўналишлари, шакллари, маросимлар, қадриятлар) уйғунлаштириш асосида аниқлаштирилган;

оилавий тарбия устуворлигини таъминлаш омиллари талабаларнинг фаол фуқаролик, ўзини ўзи ривожлантириш, миллий ва умуммаданий, методик, умумкасбий компетенцияларни, интегратив, ташкилий, диагностика функциялари ва педагогик компетенцияларини ўзаро интеграциялаш асосида такомиллаштирилган;

оилавий тарбияни ривожлантиришнинг тизимли ва мазмунли модели, талабаларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ёшлар уюшмалари, жамоатчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини ўзаро ҳамкорлиги стратегиясини белгилаш асосида такомиллаштирилган;

оилалар мухитини барқарорлаштиришда маънавий-ахлоқий хусусиятлар трансформацияси, геронтопедагогик имкониятлар (маърифат ва ибрат, тажриба ва муносабат, маънавий-ахлоқий мухит) ўзаро ҳамкорлик стратегияси ва миллий тажрибаларни замонавий талабларга идентив мослаштириш (анъанавий ва замонавий қадриятлар интеграциялашуви)нинг глобал ва локал хусусиятларининг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: талабаларда оилавий тарбия устуворлигини таъминлашга оид замонавий ёндашувлар ва хорижий тажрибалардан фойдаланишга оид илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган;

оила ҳуқуқига оид васийлик ва ҳомийликни белгилаш, оилавий тарбия устуворлиги омилларини шакллантириш усуллари танланган;

оила ҳуқуқи омилларини шакллантиришнинг фалсафий, педагогик-психологик жиҳатлари ва оилавий тарбиянинг устувор йўналишлари белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқ этилаётган муаммога ҳуқуқий, педагогик, фалсафий, тарихий ҳамда илмий-педагогик ёндашув, тадқиқот мақсади, объекти, предмети ва вазифаларига мос келувчи методлар мажмуасидан фойдаланиш, тажриба-синовга жалб этилган олий таълим муассасалар сони талаб даражасида эканлиги, тажриба-синов натижалари статистик маълумотларга таянилганлиги ва математик статистика жиҳатдан қайта ишланганлиги, мавзу юзасидан чоп этилган ишлар мазмунига кўра тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти вояга етмаган болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Оила кодекси, Фуқаролик кодекси, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияси, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа кўплаб қонунлар, қонун ости ва норматив-ҳуқуқий асосда ёритилганлиги билан ҳамда ёшларда оилавий тарбия устуворлигини таъминлаш омилларини ва методикасини такомиллаштиришнинг моҳияти, педагогик имкониятлари, назарий-методик ва ташкилий асослари ҳамда олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчилар тайёрлашнинг самарали имкониятлари, шакллари, методлари яратилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, талаба ёшларда оилавий тарбия устуворлигини таъминлаш омилларини ўрганиш методикасининг такомиллаштирилганлиги, талаба ёшларда оилавий тарбия устуворлигини таъминлаш омиллари модулининг ишлаб чиқилганлиги, талаба ёшларда оилавий тарбия устуворлигини таъминлаш омилларини таъминлаш жараёнида юзага келадиган низоларни бартараф этишга доир амалий-методик тавсияларни ишлаб чиқилганлиги ҳамда эришилган натижалар олий таълим муассасаларида ўқитиладиган педагогик туркум фанларни ўзлаштиришда самарали натижалар қўлга киритилишига хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши. Талабаларда оилавий тарбия устуворлигини таъминлаш омилларини такомиллаштиришга доир тадқиқот натижалари қуйидаги ишлар орқали амалиётга татбиқ этилган:

талабаларда оилавий тарбия устуворлигининг педагогик-психологик хусусиятлари (мотивацион, интеллектуал, ҳиссий) ватанпарварлик, шахсий намуна, одоб-ахлоқ, илм-олиш, касб-хунарга оид умуминсоний ва миллий-маданий қадриятлар уйғунлигини ментал-этнопедагогик хусусиятларга (устувор йўналишлари, шакллари, маросимлар, қадриятлар)ни кўра уйғунлаштиришга оид таклифлар “В:5111600 – Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналиши давлат таълим стандарти мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 майдаги 45-04-1453-сон маълумотномаси). Натижада, талаба ёшларда оилавий тарбия бўйича миллий ва умуминсоний таянч компетенциялар ривожлантирилган;

оилавий тарбия устуворлигини таъминлаш омиллари талабаларнинг фаол фуқаролик, ўзини ўзи ривожлантириш, миллий ва умуммаданий, методик, умумкасбий компетенцияларни, интегратив, ташкилий, диагностик функциялари ва педагогик компетенцияларини ўзаро интеграциялашга оид таклифлар ИТД-4-161 рақамли “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши бўйича кадрлар тайёрлашнинг такомиллаштирилган мазмунини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш” номли грант доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 майдаги 45-04-1453-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг оилавий тарбия устуворлиги бўйича ҳуқуқий маданияти даражасини оширишга эришилган;

оилавий тарбияни ривожлантиришнинг тизимли ва мазмунли модели, талабаларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ёшлар уюшмалари, жамоатчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини ўзаро ҳамкорлиги стратегияси ҳамда оилалар муҳитини барқарорлаштиришда маънавий-ахлоқий хусусиятлар трансформацияси, геронтопедагогик имкониятлар (маърифат ва ибрат, тажриба ва муносабат, маънавий-ахлоқий муҳит)дан унумли фойдаланишга оид таклифлар “Оила ҳуқуқи” ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 майдаги 45-04-1453-сонли маълумотномаси). Натижада, талабаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш самарадорлигини оширишга ҳамда оилавий тарбия устуворлиги бўйича кўникмаларни шакллантиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 15 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан педагогика бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 3 та, 3 та хорижий, 9 таси республика журналларида эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, жами 150 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши, эълон этилганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Оила ҳуқуқини ривожланиш омиллари назарий ижтимоий-педагогик муаммо сифатида”** деб номланиб, унда оила ҳуқуқи ва болани тарбиялашнинг мезонлари, педагогик хусусиятларини илмий асослаш, оилада бола тарбияси устуворлиги омилнинг мазмуни ва шаклланиши, ҳозирги вақтда оилавий тарбия устуворлиги омилни амалга ошириш муаммолари масалалари ёритилган.

Оила қонунчилигини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ичида янги оила кодексининг лойиҳасини тайёрлаш вақтида қонунчилик ва қиёсий ҳуқуқшунослик институти олимлари томонидан “умуман оила ва жамият ривожланишининг замонавий анъаналарига жавоб бера оладиган оилавий муносабатларни қуришнинг демократик омилларининг никоҳ-оила қонунчилиги меъёрларида зикр этилиши” омиллари назарда тутилган. Бу омиллар нафақат оила ҳуқуқи меъёрлари, уларнинг талқини ва қўлланишини, балки қонунчиликнинг янада ривожланиши йўналишларини аниқлайди, оилада маъқулладиган ижобий моделни шакллантиради.

Оила кодексининг бош омиллари Оила кодексининг аниқ меъёрларини аниқлайди. Масалан, фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш органларига киритилган никоҳнинг қонунийлиги омилли (ОКнинг 13-моддаси 3-банди)да қайд қилинган никоҳ эр-хотинларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиладиган юридик актнинг аҳамияти маъносига эга бўладиган 14-модда тасдиқланади. Бу ҳолат (қайд қилинган никоҳ) нафақат эр-хотин, балки ота-она ва болалар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни пайдо қилади. Отадан келиб чиқиши аниқланган ҳолда бола онасининг эри презумпцияси қўлланилади (ОКнинг 60-моддаси 1-банди). Ота-онанинг қайд қилинган никоҳи мавжудлигида болада ўз-ўзидан нафақат она томонидан, балки ота томонидан ҳам бевосита қариндошлик ҳосил бўлади, бу эса, болага отаси томонидан бувиси ва бобосидан нафақа олиш ҳуқуқини беради.



1-расм. Оила ҳуқуқининг асосий принциплари

Оила кодексининг 65-моддасида оналик ва болаликни ҳимоя қилишнинг конституцион омили акс эттирилган.

ОКнинг бир қатор моддаларида оила ҳуқуқий омил тарзида акс эттирилган. Масалан, бўлғуси онани турли стресс ҳолатлардан ҳимоя қилиш заруриятидан келиб чиқиб, ОК эрининг хотин ҳомиладорлиги ҳамда вояга етмаган боласи бир ёшга тўлмаган ҳолларда ҳам унинг розилигисиз никоҳдан ажралиш ҳақидаги талабни кўйиш ҳуқуқини чеклайди.

Болаликни ҳимоя қилиш ҳақидаги конституциявий қондан ривожлантирувчи яна бир оила-ҳуқуқий омили ОКнинг 65-моддасида қайд қилинган ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш жараёнида болалар билан инсонпарварлик юзасидан муомала қилиш тўғрисидаги талабдир. Қонун болаларнинг жисмоний ва руҳий соғлигига зарар келтириш ва инсон кадриятларини поймол этувчи каттиққўл, қўпол муомалага ўхшаш тарбия воситаларидан фойдаланиш, болаларни ҳақорат қилиш ва уларни эксплуатация қилишни таъқиқлайди.


Ҳозирги оила ҳуқуқи омиллари Оила кодексининг иккинчи учинчи ва тўртинчи моддаларида санаб ўтилган.

Бу омилларга қуйидагилар киради:

- а) эркак ва аёлнинг кўнгилли никоҳ иттифоқи;
- б) оилада эр-хотин ҳуқуқларининг тенглиги;
- в) ички оилавий муаммоларни ўзаро розилик асосида ҳал этиш;
- г) болалар оилавий тарбиясининг устуворлиги;
- д) болалар фаровонлиги ва ривожланиши тўғрисида ғамхўрлик;
- е) вояга етмаганлар ва оиладаги ишга яроқсиз кишиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш устуворлиги (ОК 108-модда).

Ушбу мезонлардан келиб чиққан ҳолда талабалар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган асосий тушунчалар, кўникма ва малакалар мазмунини аниқладик. Талабалар – ҳуқуқ тизими, ҳуқуқий фаолият, ҳуқуқий

билим, ҳуқуқий таълим, ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий тасаввур, ҳуқуқий идрок, ҳуқуқий тафаккур, ҳуқуқий масъуллик, ҳуқуқий эътикод, ҳуқуқий саводхонлик, каби тушунчалар моҳияти ва мазмунини чуқур таҳлил қилиб тушиниб етадилар. Оила ҳуқуқини шакллантириш жараёнида ҳуқуқий маданият тушунчаси, унинг таркибий қисмлари, уларнинг моҳиятини англаш, уларнинг шахс қиёфасида акс этишига эришиш муҳим жараён саналади.



2-расм. Талабаларнинг ёш ва психологик хусусиятларига таянган ҳолда уларнинг оила ҳуқуқига оид билимининг шаклланганлик даражаларини белгиловчи мезонлар

Қадриятлар ва уларнинг моҳиятини ўрганиш, талабалар ўртасида ҳуқуқий қадриятлар моҳиятини тарғиб этишга йўналтирилган билимларини кенг қўллашга тарғиб этиш ўзининг ижобий натижасини беради. Зеро, улуғ аллома Абдулла Авлоний “Тарбия – биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласи, жамиятимизнинг эртанги тақдири фарзандларимиз тарбияси билан боғлиқ” деган фикрини алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Талабалар онгида оила ҳуқуқига оид билимни шакллантиришда қуйидаги устувор йўналишлар белгилаб олинади:

- талабаларни ҳуқуқий билимлардан тўла хабардор этиш, уларда ҳуқуқий билимларни ўзлаштиришга бўлган эҳтиёж ва қизиқишларни уйғотиш, оила ҳуқуқи унсурларини қарор топтириш ва ривожлантириб боришни таъминлаш;
- талабаларнинг ҳуқуқий онги ва фаолиятини шакллантириш, оила ҳуқуқини вужудга келтиришга қаратилган таълим-тарбия ишларини ташкил этиш жараёнида умуминсоний ва миллий қадриятларга таяниш, миллий анъана ва жаҳон тажрибасидан ижодий фойдаланиш;

– талабаларда ҳуқуқий билимларни тасдиқ этиш ва ижтимоий-ҳуқуқий тадқиқотларни олиб бориш ишида рағбатлантириш асосида уларда амалий кўникма ва малакалар ҳосил қилиш;

– ҳуқуқий таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи таълим ва тарбиянинг шакл, метод ва унсурларини яратиш ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш ишини яхшилаш;

– талабалар онгида оила ҳуқуқига оид билимни шакллантиришда, талабалар ўз-ўзини бошқариш органлари, ёшлар уюшмалари, жамоатчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ёрдамидан фойдаланиш, бу йўлда муҳим бўлган оммавий-ахборот воситалари ролини кучайтириш.

Талабалар онгида оила ҳуқуқига оид билимни шакллантиришда ҳуқуқий таълим-тарбиянинг самарадорлигини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Болалар тарбияси – оиланинг асосий функциясидир. Инсон бахти учун оиланинг тенги йўқ: ҳеч нарса ҳеч қачон бола учун қадрдон уй, ота-она муҳаббати ўрнини боса олмайди. Янги оила қонунчилиги жамият ҳаётига оилавий тарбиянинг устунлиги тўғрисидаги ғояни қайтарди: унда ОК 65-моддасининг 3-бандида унинг вояга етмаганлар тарбиясидаги барча бошқа шакллardan устунлиги омили қайд қилинган.

Оилавий тарбия устуворлиги омилини амалга ошириш анъанавий равишда боланинг биологик ота-онаси билан қондош оилада вужудга келади. Бу мақсад учун қонун ота-оналарга ўз болаларини шахсан тарбиялаш ҳуқуқини беради. Айни пайтда ота-она бола фойдасига тарбиявий характердаги ҳаракат ва ишлар бажариш имкониятини қўлга киритадилар.

Шу билан бирга ота-оналар ўз болаларини тарбия қилишлари лозим (ОКнинг 73-моддаси 2-банди).

Демак, юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда фарзанд тарбиясида оилавий муносабатлар мустаҳкамлиги борасида қуйидагиларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

1. Оила турмуш-тарзида соғлом муҳитни яратиш, фарзандлар маънавий тарбиясига алоҳида аҳамият бериш.

2. Оиладаги фарзандларни ҳар бирини алоҳида ўзига хос характери, уларнинг кўзга ташланган фазилатларига қараб муомала қилиш.

3. Оиладаги муҳитни ижобий ташкиллаштиришда, ота-онанинг бир-бирларига бўлган муомалаларини яхши жиҳатларини кўрсатиш, фарзандларга тазйиқ ўтказмаслик.

4. Оилада фарзандларни аниқ касбга йўналтириш, уларни қизиқишига қараб касб танлаш.

5. Оила бюджетини тўғри тақсимлаш, ижтимоий ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда фарзандлар тарбиясига ҳам алоҳида эътибор бериш.

6. Оиладаги ўзаро келишмовчиликларни ижобий яхшилик, йўллари билан ҳал этиш.

Ушбу хулосалар оилавий муносабатларни тўғри йўлга қўйишнинг муҳим омилларидир.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Оилавий тарбия устуворлиги омилининг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни**

жойлаштиришнинг ҳуқуқий педагогик вазифаларда акс этиши ва амалда жорий этилиши” деб номланиб, унда фарзандликка олиш – ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳимоялашнинг устувор шакли сифатида ва уларнинг тажриба синовда кузатилиши, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган болаларга васий ва ҳомий тайинлашнинг устуворлиги, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оила тарбиясига олиш (патронат) масалалари ёритиб берилган.

Конституциянинг 64-моддасида айтилганидек, “ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар”. Қонунчилигимизнинг муваффақиятли жиҳатларидан бири шундаки, у бола манфаатларини устувор деб билади. Шу маънода агар оиладаги муҳит, шароит бола манфаатларига зид бўлса, қонунчилик уни ушбу оилада, шароитда қолишга йўл қўймайди.

Шунингдек, Конституцияда ҳам “давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди ... деб белгиланади”.


Асосан, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ва етим болалар, айтилиши вақтда фақат вояга етмаган болаларнигина уларнинг манфаатларини кўзлаб фарзандликка олинади.

Вояга етган эркак ёки аёл фуқаролар фарзандликка олувчилар бўлиши мумкин.

Қуйидаги шахслар фарзандликка олувчилар бўлмайдилар:

- ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар;
- қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланганлар;
- асаб касалликлари ёки нарколепсия муассасаларида рўйхатда турувчилар;
- фарзандликка олганлиги бекор қилинган собиқ фарзандликка олувчилар;
- қасддан содир қилинган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинганлар.

Қонун ўғай ота ва ўғай она томонидан фарзандликка олиш ҳолларидан ташқари ҳолатларда фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ ўн беш ёшдан кам бўлмаслигини шарт қилиб қўяди.



3-расм. Талабаларда оилавий тарбия ва ахлоқни шакллантириш жараёни

Шунингдек, бола тарбиясида фарзандликка олиш учун фарзандликка олинаётган бола ота-онасининг розилиги ҳам талаб этилади. Аммо қуйидаги ҳолларда ота-онанинг розилигисиз фарзандликка олишга йўл қўйилади:

- ота-онанинг кимлиги номаълум бўлса;
- ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса;
- ота-она муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган деб топилган ёки вафот этган деб эълон қилинган бўлса;
- ота-она бир йилдан ортиқ муддат давомида болалар ёки даволаш муассасаларидаги боласидан узрли сабабларсиз хабар олмаган бўлса.

Фарзандликка олишнинг бундай аҳамияти унинг бир неча таркибий қисмларига боғлиқ бўлиб, улар жамланганда фарзандликка олиш учун максимал қулай тартиб ҳосил қилади.

Ҳозирги вақтда васийлик органлари фарзандликка олишга кўмаклашувчи ижтимоий-психологик хизматлар ташкил этиш бўйича ишларни фаоллаштирмоқда. Ушбу хизматларнинг ўзига хос шиори қуйидагича янграйди: “оилага бола эмас, балки болага оила”. Унинг негизида бола манфаатлари устуворлигини тасдиқловчи энг муҳим инсонпарварлик омили ётади.

Гаага конвенцияси нафақат халқаро фарзандликка олишнинг асосий ҳуқуқий ва инсоний омиллари аниқлаб берди, балки миллати ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар бола ҳаёти учун энг қулай муҳит сифатида оиланинг етакчи аҳамиятини белгилаш билан маҳаллий ва хорижий фуқаролар томонидан фарзандликка олиш ўртасида ўзига хос тенглик аломатини қўйди. Фарзандликка олиш борасида фуқароларнинг устуворлиги жорий қонунчиликнинг эътирозга ўрин йўқ меъёри саналади. Бу Оила кодексининг 237-моддасига киритилган ўзгартиришлар билан ҳам яна бир бор таъкидланади.

Шунга боғлиқ равишда маҳаллий фарзандликка олишни таъминлаш учун амалдаги фарзандликка олишга қуйидаги янгиликларни киритиш мақсадга мувофиқ саналади:

– болалар фуқаролар томонидан фарзандликка олиниш жараёнида ташаббускорлик кўрсатиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадларига эга давлат дастурини қабул қилиш. Ушбу дастур доирасида фарзандликка олишга нисбатан умуммиллий ғоя сифатида ижобий фикр шаклланишига йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуини кўзда тутиш;

– фарзандликка олувчи оилаларни танлаш, тайёрлаш ва кузатиб бориш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш, бу ҳаракатларни мажмуавий амалга ошириш учун зарур бўлган муносиб кадрлар билан васийлик органларини мустаҳкамлаш;

– болани фарзандликка олган оилаларда бола тарбияси ва ҳаёт шароити устидан назоратни амалга ошириш қоидаларига ўзгартириш киритиш;


– фарзандликка олганлар оилаларида болаларнинг ўзини қулай сезишига хос мезонларни аниқлаш;

– фарзандликка олинганларнинг ҳаёт шароити устидан назорат кузатуви натижалари бўйича ҳисоботларнинг мазмуний жиҳатига умумий ягона талабларни белгилаш;

– охириги назорат кузатуви вақтида фарзандликка олганлар оиласида боланинг туриши муваффақиятлими ёки йўқлигидан қатъий назар назорат муддатини фарзандликка олинган бола вояга етгунга қадар узайтириш.

Оила кодексининг 21-боб мазмунидан келиб чиқиб, Вояга етмаганлар устидан васийлик институти оила қонунчилигида ота-она қарамоғисиз қолган болаларни оилага тарбиялаш учун жойлаш шакли сифатида етарлича аниқ таърифлаб берилади. Васийлик оилага жойлаштириш шакли сифатида муайян ҳуқуқий муносабатларни ўзида акс эттиради.

Ҳуқуқий муносабатнинг ўзи эса, “ички оилавий ҳуқуқий муносабат”ни ўзида акс эттиради. Бир вақтнинг ўзида васий билан васийлик органи ўртасида маъмурий-ҳуқуқий муносабат вужудга келади.



4-расм. Талабаларда оилавий тарбия устуворлигини таъминлаш омилларини ривжлантириш модели

Оила ҳуқуқида болаларни оилага тарбияга олиш патронат деб юритилиб, у Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12-апрелдаги 171-сонли қарор билан тасдиқланган “Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва тарбияга олиш (патронат) тўғрисида”ги Низом билан белгиланади. Ушбу Низом болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) юридик фактини вужудга келтирувчи ва амалга оширувчи махсус ҳуқуқий асос бўлиб, у икки бўлим, йигирма банддан иборатдир.

Ушбу низомга кўра, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган болалар, тарбия ва даволаш, шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаларидаги болалар оилага тарбияга берилади.

Оила кодексининг 195-моддасида болаларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш, тарбияга олган тутинган ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс эттирилган. Бироқ оилага тарбияга олган (патронат) ота-онанинг “меҳнат вазифаси”ни унинг ўзига хослиги таъсирида меҳнат қонунчилиги билан тартибга солинади. Биринчидан, “оилага тарбияга олган (патронат) ота-она” атамасининг ўзида асосий функционал киритилган. Агар уни меҳнат контекстида кўриб чиқиш талаб этилса, фақат туғишган ота-онага ўхшаш, яъни тўлов характериға тенглаштирилмасдан буни амалга ошириш жоиздир. Иккинчидан, бу мажбуриятларнинг шахсий характериғидир. Учинчидан, шартномада оилага тарбияга олган (патронат) ота-онанинг меҳнат таътили, вақтинчалик ишга лаёқатсизлиги бўйича маош тўлаш назарда тутилмаган.

Диссертациянинг **“Педагогик олий таълим муассасаларида “оила ҳуқуқи” фанини ўқитиш самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобида талабалар онгида оила ҳуқуқи фанига оид билимни шакллантиришда педагогика фанлари ва махсус курс имкониятлари, оила ҳуқуқи фани ўқитувчисининг касбий тайёргарлиғига қўйиладиган талаблар ва касбий тайёргарлик модели, педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва асосий натижалари таҳлили ва оила ҳуқуқи фанидан талабалар билим даражасини тарбиялашга оид илмий-методик тавсиялар “Оила ҳуқуқи” ва педагогика фанлари ўрганилгандан кейин IV курс талабалари билан “Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва уларнинг вазифалари” номли махсус курс ўқилиши имкониятлари “Оила ҳуқуқи”га оид билимлар ривожланишининг қонуниятларига яхлит ёндашиш асосида уларнинг ўзаро муносабатлари механизмини ҳисобга олиш оила ҳуқуқиға оид билимларни шаклланишининг шarti ҳисобланади.

Назарий таҳлил, олий таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш, шунингдек, тарих ва ҳуқуқ фанларининг имкониятларини баҳолаш асосида шахсга йўналтирилган таълим технологиялари воситасида бўлажак ўқитувчиларда фуқаролик позициясини ривожлантириш жараёнининг моделини яратиш имконияти қўлга киритилди. Бу борадаги педагогик фаолият мазмуни моделда қуйидаги тарзда ўз ифодасини топди (1-расм):

Ҳуқуқшунос ўқитувчиларини тайёрлаш ишида ташкил қилувчи меъерий-ҳуқуқий асос “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш

тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги “Юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-1990-сон Қарори саналади. Олий касбий таълимнинг тайёргарлик ва мутахассислик йўналишлари рўйхати, жумладан, 5111600 – “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими мутахассислиги (квалификацияси – ҳуқуқ ўқитувчиси) илова қилинган. Давлат таълим стандарти таҳлили уни “Мутахассисликнинг умумий тавсифи” ва “Бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар” бўлимларини такомиллаштириш заруратини кўрсатди. Ҳуқуқ ўқитувчиси моделининг структуравий компонентлари мутахассис паспорти ва уни тайёрлаш модели саналади.

Мутахассис паспорти. Ҳуқуқ таълими бўйича мутахассис (ҳуқуқ ўқитувчиси) паспортини ишлаб чиқиш қуйидагиларни кўзда тутди: биринчидан, мутахассиснинг шахсий сифатларини, уни касбий тайёрлаш жараёнида ривожлантирилиши керак бўлган билим ва малакаларни аниқлаштириш; иккинчидан, унинг лавозим вазифалари, ҳуқуқий таълимнинг ўзига хос функцияларини ажратиб кўрсатиш.

Оила ҳуқуқи таълим бўйича мутахассис паспортини шакллантириш бўйича таълимга қўйиладиган қатор талабларни ҳисобга олиш зарурияти пайдо бўлади.

Оила ҳуқуқи таълимнинг амалий тажрибасига таяниб, О.Каримова ҳуқуқ ўқитувчисининг қуйидаги тобора умумий (базавий) тавсифларини ажратади:

– фанни билиш ва эрудиция; таълим ва илмий-методик фаолият тизимида тадқиқотчилик компонентининг мавжудлиги; педагогик ва методик маҳоратнинг юксак даражаси; юмор ҳисси; болалар жамоасини бошқариш услубларини билиш ва уларни муайян вазиятда қўллаш олиш; талабчанлик; мулоқотнинг демократик услуби. Шунингдек, оиладаги тарбия таҳлили ҳуқуқ ўқитувчисининг педагогик фаолиятидаги асосий компонентларни ажратиб кўрсатиш имконини беради:

– ташкилотчилик (педагог ҳуқуқ ўқитиш жараёнини ташкил этади, ўқувчилар фаолиятини режалаштиради);

– прогностик (дарсга тайёрланишда ўқитувчи ўқув материали мазмунини англаб етади; дидактик мақсадни шакллантиради; дарс типини, структурасини белгилайди; билимлар манбасини танлайди, улар асосидаги ишни режалаштиради; мавзу юзасидан савол ва топшириқларни ўйлаб олади ва ҳ.к.);

– конструктив (педагог ўқитиш тизимини мустақил “қуради”, материални баён қилиш мантиқини ўйлаб олади, дастурлар тузади, дарсликлар хусусиятлари, таркибинини таҳлил қилади, ўқувчилар фаолиятининг устувор характерини белгилайди ва ҳ.к.);

– коммуникатив (ҳуқуқ ўқитувчиси ўқувчилар билан ақс алоқа, ўзаро тушуниш ва келишилган ҳаракатларга эришади).

Мутахассис паспортининг иккинчи муҳим таркибий қисм – унинг лавозим мажбуриятлари ва профессионал дипломли ходим, яъни мутахассис сифатида бажарадиган махсус функцияларини аниқлаш.

Оила ҳуқуқи фанни ўзлаштиришга кўйиладиган талаблар

Оила ҳуқуқи предмети ва услуги ҳақида	
тасаввурга эга бўлиши керак	Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ва оила қонунчилигининг аҳамияти, мақсад ва вазифаси ҳақида
билиши ва қўллай олиши керак	Ўзбекистон Республикаси оила қонунчилигининг тушунчаси ва мезонларини; оилавий муносабатда шахсларнинг қонуний манфаатларини қўриқлаш масалалари бўйича фуқаролик ва оила қонунчилиги мазмуни; ҳуқуқшунос-педагог мутахассислиги бўйича дарс ўтиш жараёнида фуқаролик ва оила ҳуқуқи нормаларини билиш
мавзу юзасидан кўникмаларга эга бўлиши керак	касбий фаолиятининг объекти ҳисобланган фуқаролик ва оила ҳуқуқий меъёрлар ва ҳуқуқий муносабатларни таҳлил қилиш; фуқаролик ва оилавий-ҳуқуқий муносабатларда шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаш ва билиш; фуқаролик муносабатларини тўғри бошқариш ва оила мустаҳкам бўлиши, эр-хотин ва фарзандлар бир-бирларини ҳурмат, иззат қилиши зарурлиги

Тадқиқот ишлари таҳлили, оила ҳуқуқи соҳа мутахассисининг функциялари умумлаштириб, уларни бир неча гуруҳга бирлаштирган ҳолда, тузиш имконини берди:

“Оила ҳуқуқи” фани талабаларда оила ҳуқуқи қонун-ҳужжатларини қўллаш тўғрисидаги назарий билимлар ва усулларни шакллантириш учун мўлжалланган.

Оила ҳуқуқи фанини ўқитиш методикасида ахборот технологияларидан фойдаланиш кўرғазмалиликнинг турли кўринишлари фарқланади.

Ташқи ифода шаклига кўра кўрғазмали воситалар қуйидагича таснифланади:

1) овозли ўқитиш воситалари (уларга XX асрнинг 90-йилларида тайёрланган ҳуқуқ ўқитиш методикасига оид аудиокассеталарни киритиш мумкин);

2) ўқитишнинг экран воситалари (видеофильмлар, ҳуқуқ ўқитишнинг мультимедиа дастурлари);

3) ўқитишнинг босма воситалари (уларда ҳуқуқий ахборот қоғозли ташувчиларда берилади).

Бироқ ҳуқуқ ўқитишда кўрғазмалиликни унинг юридик мазмунига кўра, таснифлашга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш жараёнида етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни оилага жойлаштириш шакллари ривожлантирилишидаги инқирозли ҳодисалар, вояга етмаганларнинг

ушбу тоифаси учун оилавий тарбия омилини амалга оширишнинг бошқа шакллари изланилиши зарурати таҳлил этилди.

Фарзандликка олишдан фарқли равишда васийлик ва хомийлик органлари ва болани оилага тарбияга олган (патронат) оила ўзаро яқин чамбарчас алоқага эга. Бироқ юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларнинг мазмуни жиҳати қатор сифат фарқларига эга. Масалан, патронат тарбиячида патронатланган манфаатларига қонуний вакиллик билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келмайди, оилага тарбияга олган (патронат) тарбиячида эса булар мавжуд саналади.

Бизнинг муқаддас оилага, талаба шахсини, зиёли мутахассисни шакллантириш муаммоларига бағишланган тадқиқотимиз талабаларнинг ижтимоий келиб чиқишини ва уларнинг ўқув юртига ўқишга киришлари сабабларини аниқлашдан бошланади.

